

## ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МОҲИАТИ

**Хамимова Гулмира**  
БТОМ тингловчиси

Маълумки, корпоратив бошқарувни тўғри йўлга қўйиш орқали хўжалик жамиятлари, хусусан, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари фаолияти шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш, хусусан, инвесторлар учун жозибadorлигини таъминлашга эришиш мумкин. Шунга қарамай, мамлакатимизда давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш муаммоси ҳануз долзарб муаммо бўлиб қолмоқдаки, бунга, ўз навбатида, уларнинг жорий хўжалик фаолиятига давлат органлари аралашувининг юқори даражадалиги, бозор тенденцияларига мослашувчанлик ва сезувчанликнинг етарли эмаслиги, турли хил яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзларга ҳаддан ташқари боғланиб қолишлик каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Корхоналарни, жумладан акциядорлик жамиятларини юритишда корпоратив муносабатлар доимо иш фаолияти самарадорлигига таъсир қилиб келган. Бунда бошқарув энг аввало мулкдорларни маънфаатини ҳимоя қилиш билан бирга тизимда фаолият юритаётган барча ходимларни нафақат иш уними, техникавий таъминоти ва меҳнат шароитларини таъминлашга, балки уларни техник хавфсизлиги ва саломатлигига ҳам алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Шу билан бирга корхонани юритишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳам, энг асосий мезон – самарадорликни ошишига олиб келади. Айнан шу каби муносабатларни мужассам этган замонавий корпоратив бошқаруви бугунги кунда долзарб мавзулардан бўлиб келмоқда.

Шунинг учун ушбу мавзуни кенг ёритиш ва бугунги замонавий корпоратив бошқаруви ва унга ахборот технологияларини таъсири, унинг самарадорлигига ахборот технологияларини таъсир этувчи омилларини ўрганиш ва жумладан самарадорликни ошириш тадқиқотимиз асосий масалалари ва мақсади ҳисобланади.

Даставвал, корпоратив бошқарув муносабатларини келиб чиқиши, уни замонамиз олимлари томонидан ўрганилганлиги, корпоратив бошқарув инструментида корхоналарда жумладан акциядорлик жамиятларида қўлланилиш ва унга таъсир этувчи омилларни, шунингдек хоржий олим ва тадқиқотчиларни илмий ўрганишларини кўриб чиқсак.

Корпоратив бошқарув тушунчаси кўп жиҳатли ва эклектик тушунча эканлиги, яъни ушбу тушунча негизида хилма-хил, кўпинча қарамақарши бўлган ва табиатан ўзаро боғланмаган қарашлар, ғоялар, тамойиллар, нуқтаи

назарлар мавжудлиги аниқланди. Шу асосида «корпоратив бошқарув» тушунчасини таърифлашга бўлган турли ёндашувларни тизимлаштириш ва умумлаштириш натижасида биз томондан ушбу тушунчани таърифлашнинг турли, яъни иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, сиёсий, социологик ва психологик нуқтаи назарлари борлиги аниқланди. Бундай ёндашув бизга корпоратив бошқарувни иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, сиёсий, социологик ва психологик мазмунларни ўз ичига олган умумий таърифларни шакллантиришга имкон берди. Таклиф қилинаётган таърифлар юқоридаги расмда гексагон кўринишида ифодаланган (1-расм).



**1-расм. Корпоратив бошқарувнинг турли нуқтаи назарлар асосидаги таърифлари**

Шу ўринда, кўпгина адабиётларда учрайдиган бир-бирига яқин, аммо мазмун жиҳатидан мос келмайдиган «корпоратив бошқарув» (Corporate Governance) ва «корпоратив менежмент» (Corporate Management)

тушунчаларини услубий жиҳатдан ўзаро фарқлаш лозим деб ўйлаймиз, чунки кўпгина ҳолларда бу икки тушунча адаштирилиб талқин қилинади.

Корпоратив бошқарувнинг моҳиятини ўрганиш жараёнида ўрганилаётган объект ва далилларни назарий тадқиқ этиш ва ходисаларни бир-бирига нисбатан тартибга солишга асосландик. Бунда соҳага оид адабиётларни таҳлил қилиб чиқиш жараёнида индуктив хулосалар чиқариш асосида корпоратив бошқарувни турли туркумлаш аломатлари асосида илмий жиҳатдан таснифлашга, яъни корпоратив бошқарувни тур ва шаклларга бўлиб чиқишга ҳаракат қилдик.

Корпоратив менежментнинг кенг ёйилиши жаҳон иқтисодий раўнақи XXI аср бошига келиб ҳўжалик юритувчи субъектларининг корпоратив асосда интеграциялашуви фаоллашгани билан боғлиқ. Бунинг сабаби, аввало маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва сотиш харажатларини пасайтириш, олинаётган фойдани кўпайтириш, сармояларнинг даромадлигини ошириш, миллий ва халқаро бозорларда ўз рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга интилиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги пайтда корпоратив бошқарув муаммоси оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчиликнинг диққат эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Бу, биринчи навбатда, акционерлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, кўпчилик инвесторлар учун корпоратив бошқарув масаласи мамлакатимизга йирик капитал олиб киришга қарор қилишларида асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш мақсадида 2015 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4720-сон фармони тасдиқланди.

Фармонга кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибдорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

Юқоридаги Фармон билан Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш белгилаб берилган бўлиб, унда:

1. Давлат мулкани бошқариш, ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш соҳасида тўғридан-тўғри амал қиладиган қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади:

а) «Давлат мулкани бошқариш тўғрисида»ги қонун:

давлат мулкани бошқаришнинг мақсади ва асосий принциплари;

- давлат мулкани давлат ихтиёрида сақлаб қолиш мезонлари;  
давлат мулкани бошқариш субъектлари, уларнинг вазифалари,  
ваколатлари ва мажбуриятлари;  
давлат иштирокидаги корхоналарни бошқарадиган давлат бошқаруви  
органини белгилаш;  
давлат мулкидан фойдаланиш йўллари, шу жумладан, уни ижарага ва  
ишончли бошқарувга бериш;  
б) «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун:  
хусусийлаштиришнинг асосий принциплари, шакллари ва шартлари;  
давлат мулкани хусусийлаштириш субъектлари, уларнинг вазифалари,  
ваколатлари ва мажбуриятлари;  
хусусийлаштириш объектларининг жозибадорлигини ошириш йўллари,  
шу жумладан, йирик корхоналарни сотишдан олдин тайёрлаш.
2. Давлат иштирокини чеклаш, давлат иштирокидаги корхоналар ва  
нодавлат юридик шахслар учун тенг шароит яратиш, давлатнинг мулкдор  
(акциядор, иштирокчи, муассис) ва тартибга солувчи функцияларини  
ажратиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш ва  
давлат иштирокидаги корхоналарни бошқаришда шаффофлик ва  
маълумотларни ошкор этишни таъминлаш бўйича қонунчилик ҳужжатларига  
ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.
- Шу билан бирга замонавий корпоратив бошқарувини яритишда  
қуйидаги замонавий услублардан жорий этиш белгилаб берилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик  
жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги  
ЎРҚ-370-сонли Қонуни.
  2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги  
“Ўзбекистон-2030” Стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сонли Фармони.
- .42. Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А. Акциядорлик жамиятларида  
корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг методологик  
жиҳатлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон  
журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил. 13 бет